

“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.
“ 5 ” 11 2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 226

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Китоб туман “Анорзор” маҳалласи Чуқурак қишлоғи ҳудудида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Китоб туман “Анорзор” маҳалласи Чуқурак қишлоғи.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: Чуқурак қишлоғини ичимлик сув билан таъминлаш учун, ҳудудда сув иншооти қуриш, гидрогеологлар ҳулосасига асосан, 1 дона артезиан қудуғи казиш ва тўлиқ жихозлаш, ТП ўрнатиш, иншоотни санитар химоя зонаси билан ўраш, бактерицид қурилмаси ўрнатиш, ободонлаштириш, ичимлик сув тармоқлар тортиш лойиҳада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага кузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуқтасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуқтага ва ҳар бир хонадонга).

II. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Китоб туман сув таъминоти филиалининг 31.10.2022 йилдаги №24 -сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Кўйбоқоров